ПАРТИЯ ГУРУҲИ – КЎППАРТИЯВИЙЛИК ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРУВЧИ ДЕПУТАТЛАР БИРЛАШМАСИ

С.Н.Бердикулов

Мақолада маҳаллий кенгашлардаги партия гуруҳлари фаолияти назарий жиҳатдан таҳлил этилади. Шунингдек, уларнинг амалий фаолияти ва уни такомиллаштириш йўллари муҳокама этилади.

Калит сўзлар: *партия, кўппартиявийлик, депутат, маҳаллий кенгаш, партия гуруҳи, депутатлик гуруҳи, электорат*

В статье в теоретическом аспекте анализируется деятельность партийных групп в местных кенгашах. Также уделено внимание их практической деятельности и путям её совершенствования.

Ключевые слова: *партия, многопартийность, депутат, местный кенгаш, партийная группа, депутатские группы, электорат.*

The article analyzes the theoretical aspect of party groups in local councils. Necessary attention is paid to their practices and ways to improve them.

Key words: *Party, multi-party system, deputy, local councils, party group, deputy groups, electorate.*

Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунига биноан халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларининг фаолияти тартибга солинган. Қонуннинг 24-моддасига мувофиқ, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг асосий ваколатлари белгиланган [5]. Маҳаллий кенгаш депутатларига яратилаётган шарт-шароитлар, ўз навбатида, жамиятда сиёсий партияларнинг мавқеини оширишга, кўппартиявийлик тизимини ривожлантиришга хизмат қилади. Ҳозирда «кўппартиявийлик тизимини мустаҳкамлаш, давлат ва жамият ҳаётида сиёсий партияларнинг таъсирини ошириш, улар ўртасида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш ҳокимиятнинг вакиллик органлари фаолияти самарадорлигини янада оширишда муҳим аҳамиятга эга эканини назарда тутиб, халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари фаолиятида сиёсий партиялар гуруҳларининг ролини кучайтириш, айниқса, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари фаолиятини назорат қилиш борасидаги ваколатларини кенгайтириш» [3] муҳим аҳамиятга эгалиги билан ажралиб туради.

Қонунга асосан, вилоят халқ депутатлари кенгаши аъзоларининг номзоди тўлиғича – сиёсий партиялар томонидан, туман ва шаҳар халқ депутатлари кенгаши депутатлигига номзодлар эса сиёсий партиялар билан бирга фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан кўрсатилиши белгилаб қўйилган. Бу депутатларнинг сиёсий партиялар билан узвийлигини кўрсатадиган омиллардан биридир.

Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек: “келгусида биз маҳаллий ҳокимларни бевосита халқ томонидан сайлаш масаласи ҳақида ҳам ўйлаб, муҳокама қилиб кўришимиз керак. Ҳар бир ҳудуд ўз раҳбарини ўзи сайласа, раҳбарларнинг халқ ва жамият олдидаги масъулиятини кескин оширишга эришиш мумкин” [1]. Демак, келажакда халқ томонидан сайланадиган маҳаллий ҳокимларнинг номзодлари сиёсий партиялар томонидан кўрсатилади. Бу эса жойлардаги сиёсий партияларни фаолликка чорлаб, уларнинг нуфузи ошишига, халқ билан “ҳамнафас” бўлишига олиб келади. Чунки сиёсий партияларга берилган ушбу ҳуқуқ, ўз навбатида, шунга мос масъулият ва мажбуриятни ҳам келтириб чиқаради.

Маҳаллий кенгашлардаги депутатлар корпуси муайян гуруҳларга, доимий ва муваққат комиссияларга аъзо бўлиб кириши мумкин. Маҳаллий кенгашларда ташкил этилган партия гуруҳи ҳам шулар жумласидандир. Маҳаллий кенгашлардаги депутатлар корпусининг партия гуруҳига бирлашишини белгилайдиган ҳуқуқий ҳужжат Ўзбекистон Республикасининг “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги Қонуни ҳисобланади. Қонуннинг 14-моддасига мувофиқ, “Партия гуруҳи – сиёсий партиядан кўрсатилган депутатлар томонидан партия манфаатларини Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесида, халқ депутатлари Кенгашида ифодалаш мақсадида тузиладиган ва белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган депутатлар бирлашмасидир” [4] – деб таъриф берилган. Шунга мувофиқ, сиёсий партиялардан илгари сурилган номзодлар депутат бўлганидан сўнг улар орасидан тегишли халқ депутатлари Кенгашларида ўз партиялари ҳамда электорати манфаатларини ифода этиш мақсадида партия гуруҳлари тузилади. Албатта, партия гуруҳининг аъзолари кенгаш таркибида қанчалик кўпчиликни ташкил этса, шун-

чалик электорат манфаатларини ифодалайдиган қарорлар қабул қилинишига эришилади.

Партия гуруҳларининг асосий вазифаси сайловолди дастурини жамиятнинг тегишли соҳаларига татбиқ этиш орқали ўз электорати манфаатини рўёбга чиқариш учун кураш олиб боришдир. Бу жараён "партия гуруҳи – электорат" ўзаро муносабатида янада аниқроқ акс этади. Шу нуқтаи назардан *партия гуруҳи деб сиёсий партиянинг сайловолди дастурини маҳаллий ижро ҳокимияти қарорларига сингдириш мақсадида маҳаллий Кенгашларга сайланган камида беш нафар депутатдан иборат уюшмага айтилади.*

Партия гуруҳларини тузишдан мақсад ҳам "сиёсий партиялардан илгари сурилган депутатлар қаторидан тегишли Халқ депутатлари Кенгашларида ўз партиялари манфаатларини ифода" [2.8–9] этилишини таъминлашдан иборат. Таъкидланганидек, партия гуруҳи таркибига кирган ҳар бир депутат, партиянинг сайловолди дастури асосида сайланади ҳамда мазкур дастурига таянган ҳолда фаолият олиб боради.

2014 йилнинг 20 январидаги Қонунга биноан "Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Қонуннинг 14-моддаси янги таҳрирда қабул қилинди, 14^1-модда ишлаб чиқилди. Шубҳасиз, қонунни қабул қилишдан мақсад партияларараро рақобат муҳити фақат "юқори"да эмас, балки қуйи бўғинларда ҳам бўлишини таъминлаш, партия гуруҳларининг ваколат ва ҳуқуқларини аниқлаштириш ҳамда янада кенгайтириш билан боғлиқдир.

Қонунда маҳаллий кенгашларда фаолият юритадиган партия гуруҳи, унга аъзолик, рўйхатдан ўтказиш, тузиш, фаолиятининг тугатилиши (14-модда) кўзда тутилган. Партия гуруҳи аъзоси маҳаллий кенгашларга фақатгина шу партиядан кўрсатилган ва сайланган депутат бўлиши мумкинлиги белгилаб қўйилди. Партия гуруҳлари депутатларнинг таъсис йиғилишларида тузилади. Таъсис йиғилишлари юзаки, номигагина ўтказилмаслиги муҳим аҳамиятга эга. Унда ташкилий масалалар ҳал этилади, бу депутатларнинг ваколат муддати давомида ижобий фаолият олиб боришига туртки вазифасини ўтайди.

Партия гуруҳини тузиш масаласи партиянинг таъсис йиғилиши баённомаси ва партия гуруҳи раҳбарининг аризасига биноан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва халқ депутатлари кенгашларининг биринчи мажлисида кўриб чиқилади. "Маҳаллий Кенгаш мазкур масала юзасидан муҳокамалар якунида партия гуруҳини рўйхатга олиш ёки рўйхатга олинишини рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади" [2.10]. Агар сиёсий партия маҳаллий кенгашда белгиланган талаб ва қоидаларга жавоб берадиган, етарли миқдорда депутатлик корпусига эга бўлса, унда партия гуруҳи тузилишини рад этиш учун ҳеч қандай асос бўлмайди.

"Сиёсий партиялар тўғрисида"ги қонуннинг 14-моддаси 4-қисмига асосан, ***партия гуруҳи*** тузилиши учун депутатларнинг минимум миқдори белгиланган, яъни "Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесидаги, халқ депутатлари вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳамда шаҳарлар (вилоят марказлари) Кенгашларидаги партия гуруҳлари уларда тегишли сиёсий партиядан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига ёки халқ депутатлари Кенгашига сайланган камида беш нафар депутат бирлашган тақдирда тузилади" [4]. Қонунда партия гуруҳи тузилиши учун аниқ миқдорнинг белгилаб қўйилиши муҳим аҳамиятга эга бўлиб, маҳаллий кенгашларда партия гуруҳини шакллантириш мақсадида муайян депутатлик ўринларини қўлга киритиш учун сиёсий партиялардан фаоллик талаб этилади. Маҳаллий кенгашларда партия гуруҳи ташкил этиш учун етарли миқдорда партиядан сайланган депутатларнинг бўлиши, *биринчидан*, маҳаллий сайловчилар томонидан партиянинг қўллаб-қувватланганини англатса, *иккинчидан*, партиянинг маҳаллий кенгашда партия гуруҳининг мавжудлиги улар томонидан таклиф этилган қарор лойиҳасининг қабул қилинишига самарали таъсир кўрсатади.

Партия гуруҳи фаолиятининг тугатилиши ҳам қонунга асосан белгилаб қўйилган. Халқ депутатлари Кенгашлари томонидан рўйхатга олинган партия гуруҳи ўзининг ташаббуси билан фаолиятини тугатиши мумкин. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва Халқ депутатлари Кенгашининг ваколат муддати тугаганда ҳам партия гуруҳи фаолияти тугатилади. Шунингдек, Қонунда белгиланган тартибда сиёсий партия фаолиятининг тугатилиши партия гуруҳи фаолиятининг тўхтатилишига сабаб бўлади.

Партия гуруҳи таркибига кирган депутатларнинг сони беш нафардан камайиб кетганда унинг фаолияти тўхтайди. Депутатлар сонининг камайишига турли сабаблар бўлиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида»ги Қонуннинг 3-моддасига биноан депутат ваколатлари муддатидан илгари бир қатор асосларга кўра тугатилиши кўзда тутилган: «у ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилиш тўғрисида ёзма ариза берган тақдирда; у қонунга кўра депутатлик ваколатларини амалга оширишига номувофиқ бўлган лавозимга сайланган ёки тайинланган тақдирда; унга нисбатан суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кирган тақдирда; у чақириб олинган тақдирда; суд уни муомалага лаёқатсиз деб

топган тақдирда; у суднинг қонуний кучга кирган қарори асосида бедарак йўқолган деб топилган ёки вафот этган деб эълон қилинган тақдирда; у Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотган тақдирда; у вафот этган тақдирда» [6] халқ депутатлари Кенгашларидаги партия гуруҳлари фаолияти тугатилишига олиб келади.

“Сиёсий партиялар тўғрисида”ги Қонунда партия гуруҳларининг ҳуқуқлари алоҳида моддада (14^1-модда) берилди. Мазкур қонуннинг 14^1- ва “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги Конституциявий қонуннинг 7-моддаларига асосан, Халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларидаги партия гуруҳлари вилоят ҳамда Тошкент шаҳар ҳокими лавозимига тасдиқланган шахсларнинг қониқарсиз фаолияти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига асосланган хулосалар тақдим этиш ташаббус ҳуқуқига эга. Бундай ташаббус етакчи, энг кўп ўринга эга бўлган партия гуруҳлари томонидан қўллаб-қувватланган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Президенти бу ташаббуснинг халқ депутатлари Кенгашидаги муҳокамасини тайинлайди ва муҳокама натижаларига мувофиқ қарор қабул қилади.

“Сиёсий партиялар тўғрисида”ги Қонуннинг 14^1-моддаси бўйича мамлакатимиздаги партия гуруҳлари томонидан бир қатор ишлар амалга оширилган. Жумладан, жойлардаги ЎзЛиДеПнинг партия гуруҳлари томонидан мутасадди раҳбарларга 1760 та, Миллий тикланиш ДП партия гуруҳлари томонидан 351 та, Адолат СДПнинг Тошкент ва Сирдарё вилояти кенгаши депутатлари томонидан 30 та депутатлик сўрови юборилган. Ушбу тадбирни амалга оширишдан мақсад электорат манфаати учун хизмат қиладиган қарорларни қабул қилиш, уларга кенг имконият яратиб бериш, ўз навбатида, партиянинг сайловолди платформасида белгиланган вазифаларни бажаришдан иборатдир. Албатта, бу йўналишда ҳам партиялар фаолиятида муайян камчиликлар мавжуд. Қонуннинг қабул қилинганлиги келгусида камчиликларни бартараф этиб, партия гуруҳлари фаоллигини янада оширади деган фикрдамиз.

Сиёсий партияларнинг партия гуруҳлари томонидан қонун доирасида бир қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон ХДП томонидан фуқаролардан тушган мурожаатлар жойида ўрганилиб, уларда кўтарилган муаммолар халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари иштирокида 186 маротаба муҳокама қилинган. Жойларда партия гуруҳлари ташаббуси билан, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари сессияларида тегишли соҳага оид масалалар юзасидан мансабдор шахсларнинг 50 маротаба ҳисоботлари эшитилиб, партия электорати манфаатларига жавоб берувчи тегишли қарорлар қабул қилинган, 30 маротаба тегишли вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари ҳамда уларнинг ўринбосарлари, 20 маротаба ижтимоий, коммунал соҳа вакилларининг ҳисоботлари тингланиб, партия дастурий мақсадларидан келиб чиққан ҳолда, тегишли чора-тадбирлар амалга оширилган [7].

2014 йил 21 декабрда бўлиб ўтган сайловлар натижаларини Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгашлари депутатлигига сайланган депутатлар кесимида олиб қаралганда, кенгашларда барча сиёсий партияларнинг партия гуруҳларини тузилган. Бўлиб ўтган сайлов якунларига кўра бошқа партияларга нисбатан кўпроқ, яъни жами 806 депутатлик ўрнининг 305 тасини ЎзЛиДеП (ўртача 37,8 нафар), 214 тасини Ўзбекистон ХДП (ўртача 26,5 нафар) эгаллаган. Депутатлар сони бўйича кейинги ўринларни 178 та депутати билан Миллий тикланиш ДП (ўртача 22,0 нафар), 109 та депутати билан Адолат СДП (ўртача 13,5 нафар) эгаллади. Халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлигига сайланган депутатлар кесимида 5181 нафар депутатлик ўрнидан 1775 ўринни ЎзЛиДеП, 1657 ўринни Ўзбекистон ХДП, 912 ўринни Миллий тикланиш ДП, 721 ўринни Адолат СДПлар эгаллади.

Жамиятимизда кўппартиявийлик тизимини ривожлантиришда, унинг истиқболини белгилашда партия гуруҳларининг ўрни жуда катта. Шу сабабли ҳам сиёсий партияларнинг маҳаллий кенгашлардаги фаолиятига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Партия гуруҳлари ҳуқуқ ва ваколатларининг кенгайтирилиши уларнинг фаолияти янада жонланишига, жойларда юзага келаётган муаммоларни ижобий ҳал этилишини таъминлашга хизмат қилади.

Фикримизча, келгусида ҳокимлар халқ томонидан сайланишини ҳисобга олиб, партия гуруҳлари фаоллигини янада ошириш, манфаатдорлигини кучайтириш мақсадида вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ депутатлари ҳамда туман ва шаҳар кенгашлари сайловида энг кўп депутатлик ўринларини эгаллаган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги депутатлик ўринларини қўлга киритган бир нечта сиёсий партияга Кенгаш раиси номзодини тегишли Кенгашларга кўрсатиш ҳуқуқининг берилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Шунингдек, давлат ҳокимияти қуйи бўғинлари раҳбарларининг номзодларини сиёсий партия томонидан кўрсатилиши жамиятда партия мавқеи-

нинг кўтарилишига, сайловлар жараёнида сиёсий партиялар ўртасида ўзаро рақобат муҳитининг янада авж олишига, кўппартиявийлик тизимининг истиқболини таъминлашга хизмат қилади.

Адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови // URL – http://uza.uz/oz/ politics/onun-ustuvorligi-va-inson-manfaatlarini-taminlash-yurt-tara--07-12-2016.

2. Халқ депутатлари маҳаллий кенгашларидаги сиёсий париялар гуруҳлари фаолиятини ташкил этиш (методик қўлланма) / А.Э.Йўлдошев, М.Л.Ельшов, М.Б.Хасанова. – Т.: Navro'z, 2014. – 80 б.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг дастури // URL – http://uzlidep.uz/uzc/news/uzbekiston-respub-likasi-prezidentligiga-nomzod-shavkat-miromonovich-mirziyoevning-dasturi/

4. Ўзбекистон Республикасининг "Сиёсий партиялар тўғрисида"ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 2014 й., 4-сон, 45-модда.

5. Ўзбекистон Республикасининг "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонуни // URL – http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=112170

6. Ўзбекистон Республикасининг "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида"ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. 2005 й., 3-4-сон, 20-модда.

7. Ўзбекистон ХДПнинг жорий архиви.

ЎзР ИИВ Академияси,
2016 йил 14 январда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. Ш.Мамадалиев)